Ушбу сонда:
2 ФАРМОН ВА ИЖРО
3 ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ БАХТ
4 ФАХРИЙЛАР ИЗЗАТИ кўзимиз устида бўлсин

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ ОЛИЙ БАХТ

# ISHONCH

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2004 йил 16 июн, чоршанба № 97 (1730)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## ЎЗБЕКИСТОН-ХИТОЙ:

# ЯНГИ АСРДА ЯНГИЧА ҲАМКОРЛИК

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таклифига биноан 14 июн куни Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзиньтао давлат ташрифи билан Ўзбекистонга келди

***Ўзбекистон ташқи сиёсатида Хитой билан муносабатлар алоҳида ўрин тутади. БМТ Хавфсизлик кенгашининг доимий аъзоси, иқтисоди жадал ривожланаётган бу давлат билан ҳамкорлик қилиш иқтисодий ривожланишда, миллий ва минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлашда, глобаллашув жараёни чуқурлашаётган ва турли сиёсий ўзгаришлар даври бўлган ҳозирги шароитда халқаро сиёсат майдонидан муносиб ўрин эгаллашда катта аҳамият касб этади. Халқаро муаммоларни ечишда тобора фаол қатнашаётган, дунёда эътироф этилган «Хитой модели» туфайли ялпи ички маҳсулоти бир неча йилдан буён 7-8 фоиз миқдорда барқарор ўсиб келаётган бу давлат дунёнинг етакчи мамлакатлари қаторидан жой олган.***

Хитой Ўзбекистон билан ҳамкорликни юксак қадрлайди. Зеро, ташқи дунё билан алоқаларни кенг кўламда ривожлантириш йўлидан бораётган мамлакатимиз ўз минтақасида хавфсизликнинг асосий таянчи вазифасини ўтаётгани, унинг юксак сиёсий нуфузи ва иқтисодий салоҳияти халқаро миқёсда эътироф этилмоқда.

Халқларимиз қадимдан Буюк Ипак йўли орқали бир бири билан алоқа қилиб, фани ва маданиятини бойитиб, тажриба алмашиб келган. Хитойликлар айрим қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, хусусан, узум ва беда етиштиришни Ўрта Осиё халқларидан ўрганган. Бу ерда эса Чин юртининг ипакчилиги ва эритиш техникаси ўзлаштирилган.

Ўзбекистон-Хитой муносабатларини ривожлантириш Буюк Ипак йўли орқали ўрнатилган ва равнақ топган тарихий алоқаларни тиклаш ва ҳозирги замонавий ҳамкорликни кенгайтириш нуқтаи назаридан ҳам долзарбдир. Икки мамлакат давлат раҳбарлари ўртасидаги ўзаро ҳурмат ва ишонч, муносабатларимизнинг ҳуқуқий пойдевори мустаҳкамлиги бунинг учун қулай замин яратади.

Шиддат билан ўзгараётган бугунги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий вазият нафақат Ўзбекистон ва Хитой каби яқин қўшни давлатлар, балки бутун дунё мамлакатларининг ҳамжиҳатликда иш олиб боришини тақозо этмоқда. Глобаллашув жараёни ижтимоий-иқтисодий ҳамкорликни ҳамда транспорт ва коммуникация алоқаларини ривожлантиришни, терроризм, экстремизм, трансмиллий уюшган жиноятчилик, наркотик моддалар ва қурол-яроғ контрабандасининг, оммавий қирғин қуроллари тарқалишининг олдини олишни, сиёсий алоқаларни янада ривожлантиришни талаб қилмоқда.

Мана шу масалаларнинг ўзиёқ Ўзбекистон-Хитой муносабатларида ҳамкорлик учун кенг фаолият майдони мавжудлигини кўрсатади. Энг муҳими, алоқаларни ривожлантиришдан, бир-бирини қўллаб-қувватлашдан икки мамлакат ҳам бирдек манфаатдордир.

Шу маънода, ХХР Раисининг Ўзбекистонга давлат ташрифи ўзаро алоқаларнинг бугунги аҳволини олий даражада таҳлил этиб, истиқболларини белгилаб олиш, долзарб халқаро ва минтақавий муаммолар юзасидан фикр алмашиш учун қулай имконият яратди.

15 июн куни «Дўрмон» қароргоҳида ХХР Раиси Ху Цзиньтаони расмий кутиб олиш маросими бўлди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва ХХР Раиси Ху Цзиньтао шоҳсупага кўтарилдилар. Икки мамлакатнинг давлат мадҳиялари янгради. Ўзбекистон ва Хитой раҳбарлари фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар.

Ислом Каримов ва Ху Цзиньтаонинг яккама-якка суҳбатида Ўзбекистон-Хитой муносабатларига доир масалалар муҳокама қилинди. Мамлакатларимиз сиёсий, савдо-иқтисодий, ижтимоий соҳаларда самарали ҳамкорлик қилиб келаётгани, хавфсизлик масалалари борасидаги алоқалар фаоллашаётгани мамнуният билан қайд этилди.

Дарҳақиқат, томонлар эътироф этганларидек, айни пайтда Ўзбекистон-Хитой муносабатлари ўз тарихидаги энг юқори поғонага кўтарилган. Бунинг энг муҳим омили ҳамжиҳатликдир. Дунёдаги вазият қандай йўналишда ўзгармасин, Ўзбекистон ва Хитой яқин қўшничиликни, дўстлик ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни изчил ривожлантираверади. Зотан, мамлакатларимизнинг қатор халқаро муаммоларга муносабат ва ёндашувлари ўхшаш ёхуд яқин.

Айниқса, терроризм, айирмачилик, экстремизм ва наркобизнес каби хавфсизликка таҳдид солувчи иллатларга қарши курашда муросасизлик тамойилига ҳар икки давлат бирдек қатъий таянади. Томонларнинг Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасидаги ҳамкорлигида ҳам хавфсизликни таъминлаш масаласи устувор йўналишлардандир.

Ўзбекистон раҳбари кўп йиллардан буён жаҳон ҳамжамиятини бу иллатларга қарши курашда бирлашишга даъват этиб келмоқда. Хитой томони эса халқаро доирага терроризм, экстремизм ва айирмачиликни англатувчи «уч ёвуз куч» атамасини киритди. Ўзбекистон Хитойнинг «хавфсизлик камари» тамойили - қўшни давлатлар билан алоқаларни ҳар томонлама ривожлантириш орқали хавфсизликни таъминлаш ва тараққиётни жадаллаштиришга асосланган ташқи сиёсатини қўллаб-қувватлайди.

Савдо-иқтисодий ҳамкорлик катта суръат билан ривожланмоқда. Жорий йилнинг январ-апрел ойларида ўзаро савдо ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 134 фоиз ошиб, 220 миллион АҚШ долларига етди. Ҳозирги вақтда умумий қиймати 100 миллион АҚШ долларига тенг қатор икки томонлама лойиҳалар амалга оширилмоқда. Музокара жараёнида турган жами лойиҳаларнинг умумий қиймати эса 1 миллиард доллардан ошади.

Ислом Каримов ва Ху Цзиньтао бу кўрсаткичлар барча имкониятлар ишга солинганини англатмаслигини, мамлакатларимиз салоҳияти инобатга олинадиган бўлса, уларни янада ошириш учун барча зарур шароит мавжудлигини таъкидлади.

Ўзбекистон ва Хитой делегацияларининг кенгайтирилган тартибдаги музокарасида ҳамкорликнинг амалий жиҳатларига кўпроқ эътибор қаратилди.

Икки мамлакат тўқимачилик, қишлоқ хўжалиги, машинасозлик, кимё, коммуникация соҳаларида ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган. Лекин замон билан ҳамқадам бўлиш учун анъанавий соҳалар билан чекланиб қолмаслик керак. Хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес вакилларининг ҳамкорлигини рағбатлантирувчи механизмларни, савдо-иқтисодий муносабатларни имкон қадар эркинлаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, бу йўлда учрайдиган тўсиқларни бартараф этиш лозим.

Президент Ислом Каримов заҳирадаги имкониятлар кўплигини таъкидлар экан, Ўзбекистон Хитой билан нефт-газ ва минераллар конларини ўзлаштириш, волфрам ва бошқа қимматли металларни қазиб олиш, кимё саноати, электроника маҳсулотлари ва компьютер техникаси ишлаб чиқаришда ҳамкорлик қилишга тайёр эканини айтди.

Кўп томонлама ҳамкорлик борасида ҳам қилиниши мумкин ва лозим бўлган ишлар талайгина. Масалан, Афғонистон иқтисодиётининг тикланиши, у ерда барқарор тинчлик ўрнатилиши мамлакатларимиз манфаатларига бирдек мос келади. Демак, Афғонистондаги тикланиш ишларида биргаликда фаол қатнашиш, жумладан, минтақада янги транспорт алоқаси тармоқларини барпо этиш мақсадга мувофиқдир.

Ижтимоий алоқаларда ҳам ҳамкорликни янада фаоллаштириш зарур. Томонлар Ўзбекистонда ўтган Хитой маданияти кунларига юқори баҳо берар экан, бундай тадбирларни кўпайтириш халқларимизни яқинлаштиришда муҳим омил бўлишини қайд этдилар. Зеро, халқ дипломатияси давлатлараро муносабатларнинг муҳим бўғини саналади.

Ўзбекистон ва Хитой илм-фан, маданият, таълим, сайёҳлик, спорт, соғлиқни сақлаш каби соҳаларда ҳам алоқаларни ривожлантиришдан манфаатдор. Мулоқот чоғида бу йўналишлардаги ҳамкорликни ҳар томонлама рағбатлантириб боришга келишиб олинди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш борасида талай ишлар қилинди. Лекин амалга оширилиши зарур бўлган вазифалар бундан-да салмоқли.

Президент Ислом Каримов ўзаро шериклик муносабатларини кенг кўламда ривожлантириш бўйича катта битим тузишни таклиф қилди. Томонлар уни тайёрлашга киришиш кераклигини таъкидладилар.

Музокаралар якунида Ислом Каримов ва Ху Цзиньтао Ўзбекистон билан Хитой ўртасида шериклик муносабатлари, дўстлик ва ҳамкорликни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш тўғрисидаги Қўшма декларацияни имзоладилар.

Икки мамлакат ҳукуматлари ўртасида наркотик воситаларнинг, психотроп моддаларнинг ноқонуний айланиши ва суиистеъмол этилишига қарши курашда ҳамкорлик қилишга, техникавий-иқтисодий ҳамкорликка оид битимлар имзоланди. Иккинчи битимга мувофиқ, Хитой томони техникавий-иқтисодий ҳамкорлик бўйича дастурлар учун 20 миллион юан ажратади. Ҳукуматлараро имзоланган бошқа икки битим 50 миллион юанлик фоизсиз ва 300 миллион юанлик имтиёзли кредит беришни кўзда тутади. Савдо-иқтисодий, сармоявий ва молиявий ҳамкорликни кенгайтириш тўғрисидаги меморандум эса мазкур соҳадаги алоқаларни ривожлантириш учун қулай имконият яратишга қаратилган.

Булардан ташқари, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан Хитой Таълим вазирлиги ўртасида Тошкентда Конфуций номидаги институтни ташкил этиш бўйича ҳамкорлик тўғрисидаги битим, шунингдек, икки мамлакатнинг Адлия ва Маданият ишлари вазирликлари ҳамда нефт-газ компаниялари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳужжатлар имзоланди.

Ўзбекистон ва Хитой раҳбарлари оммавий ахборот воситалари учун берган баёнотида музокаралар дўстлик, очиқлик, ишчанлик руҳида ўтганини, муҳокама қилинган барча масалалар бўйича ҳамфикрлик мавжудлигини таъкидладилар. Ташриф натижалари ўзаро муносабатларни янги поғонага кўтаришига ишонч билдирилди.

Ислом Каримов Ўзбекистон Хитойни улкан салоҳиятга, беқиёс маданий мерос ва бой тарихга, юксак нуфузга эга, олдига қўйган мақсадлар сари оғишмай барқарор ривожланиш йўлидан бораётган қўшни давлат деб билишини таъкидлади. Ху Цзиньтаонинг ташрифини ўзаро муносабатларимиз тарихидаги муҳим воқеа, деб баҳолади. Дарҳақиқат, бугун имзоланган 10 ҳужжат алоқаларимизнинг ҳуқуқий пойдеворини мустаҳкамлабгина қолмай, уларга янада салмоқли мазмун бахш этади. Истиқболдаги режада эса ҳамкорликни стратегик шериклик даражасига олиб чиқишга қаратилган ҳужжат турибди.

ХХР раҳбари ўзаро ишонч ва ҳурмат, икки томонлама манфаатдорликка таянган Ўзбекистон-Хитой муносабатларини халқларимизнинг умумий мулки деб атади. Самимий меҳмондўстлик учун давлатимиз раҳбарига чуқур миннатдорлик билдирди. Ху Цзиньтао Ўзбекистон Президентига Хитойга ташриф буюришни таклиф этгани ва Ислом Каримов буни мамнуният билан қабул қилгани маълум қилинди.

«Дўрмон» қароргоҳидаги учрашувлар ниҳоясига етгач, Хитой раҳбари Ху Цзиньтао Ўзбекистон Бош вазири Шавкат Мирзиёев ҳамроҳлигида пойтахтимиз марказидаги Хотира майдонига ташриф буюрди. Олий мартабали меҳмон ўзбек халқининг озодлик учун курашларда қурбон бўлган фарзандлари хотирасига ҳурмат бажо келтириб, «Мотамсаро она» ҳайкали пойига гулчамбар қўйди.

ХХР Раиси Ўзбекистон тарихи давлат музейида бўлиб, Буюк Ипак йўли тарихи ҳамда Ўзбекистон ва Хитойнинг тарихий алоқалари тўғрисида ҳикоя қилувчи экспозиция билан танишди. Халқларимизнинг тарихи минг йилларга бориб тақалади. Давлатларимиз гуллаб-яшнаган кезларда ҳам, истило ва истибдод даврларида ҳам халқларимиз бирбири билан алоқани сақлаб қолган ва ривожлантирган.

Хитой раҳбари музейнинг истиқлол йилларига бағишланган залларини кўздан кечирар экан, Ўзбекистон мустақиллик даврида эришган бетимсол ютуқлар билан танишди.

ХХР Раисининг Ўзбекистонга давлат ташрифи давом этмоқда.

**Анвар БОБОЕВ,**
**ЎзА мухбири**

---

*Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 13 йиллиги олдидан*

# МИРЗАЧЎЛНИНГ КУМУШ КАМАРИ

Иқтисодиётимиз юксалишида катта ўзбек трактининг ҳиссаси беқиёс. Пойтахтдан юртимиз жанубига қадар чўзилган улкан йўлнинг биргина Сирдарё вилоятидан ўтган қисмидан бир кеча-кундузда 8 мингдан ошиқ юк ва йўловчи ташиш транспортлари ҳаракатланар экан. Шунинг ўзиёқ серқатнов йўлнинг нечоғлик аҳамиятли эканлигини кўрсатиб турибди.

Сирдарё йўлсозлари мана уч ойдирки Мирзачўл белига белбоғ бўлмиш катта ўзбек трактининг энг масъулиятли қисмини барпо этиш йўлида тиним билмайди. Оқолтин ва Мирзаобод туманлари қишлоқларини оралаб ўтувчи йўлни кенгайтириш, жаҳон андозалари даражасида бунёд этишда ўзига хос қийинчиликлар кўп бўлди. Негаки, биргина Сардоба зовурларидаги кўприкларни қуришга йўлсозлар олти ойлаб тер тўкишига тўғри келди. Чўл заминининг ўзига хос мўртлиги, тупроқ қатламларидаги тузнинг меъёридан ошиқлиги туфайли йўлни шаббалаш, мустаҳкамлашда бир қанча муаммоларга дуч келишди. Бироқ кўп йиллик тажриба, маҳорат иш берди. Энг эътиборли жиҳати, уни бунёд этишда ортиқча сарф-харажатларнинг олди олинишига эришилди.

– Бошқармамизнинг Германиядан замонавий техникаларни харид қилганлиги оғиримизни енгил қилди. Ўтган йили поёнида 16 та юк ташиш автомобили олгандик, - дейди «Сирдарёавтойўл» акциядорлик жамияти бўлим бошлиғи Абдулла Кенжаев. – Ишни икки сменада ташкил этганмиз. Ҳайдовчи ва йўлсозлар учун бепул иссиқ овқат, дам олиб, ҳордиқ чиқаришлари учун барча шароитлар мавжуд. Ойлик маош ва мукофотларни ўз вақтида қўлга олишаяпти.

Бир йўла қаторасига 6 та автомобил ҳаракатланиш имкониятига эга йўлнинг Сардоба қўрғонидан Гулистон шаҳригача бўлган қисмини мустақиллик байрамигача топшириш режалаштирилган. Бунёдкорлик ишларида Тошкент, Фарғона вилояти йўл хизмати мутахассислар ҳам иштирок этишаяпти. Улар давлат аҳамиятига молик йўл қурилишларида қатнашиб, катта тажриба тўплаганликларини намойиш этишмоқда. Бунёдкорлик баҳсида «Тошавтойўл» давлат акциядорлик жамияти ғолибликни қўлдан бой беришмаётган бўлса, фарғоналик йўлсозлар эса иш интизоми, унумдорлиги ва сифати билан ажралиб турибди.

– Жамоамизнинг бир қатор тажрибали мутахассислари сирдарёлик ҳамкасбларимизга кўмакка келишган, - дейди Тошкент тумани автомобил йўлларидан мунтазам фойдаланиш бошқармаси участка бошлиғи Умид Шохсаидов. – Биз учун бу ерда барча шароит яратилган. Бажарилган иш учун эса қўшимча даромад олаяпмиз. Йўл қурилишида автогрейдерчи Собиржон Шайхуддинов, асфальт ётқизувчи машина ҳайдовчиси Мирсоат Жамолов, ҳайдовчи Фахриддин Азимбоевлар алоҳида ўрнак кўрсатишмоқда.

Йўл атрофини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш Мирзаобод автомобил йўлларидан мунтазам фойдаланиш бошқармаси зиммасида. Ўтган йиллар мобайнида жамоа аҳли 5 минг тубдан ошиқ Калифорния тераклари экиб, парваришлади. Шунингдек, пиёдалар йўлаклари, йўл белгиларини ўрнатиш ишлари ҳам ниҳоялаб бормоқда.

Янги барпо этилаётган ўзбек трактининг улама қисмида, кейинги бир йилда ўндан ортиқ ошхона, савдо, ёнилғи қуйиш, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шохобчалари, турли маиший хизмат бўлимлари фаолият юрита бошлади. Ҳозирда катта йўл бўйларини ободонлаштириш учун бир қатор қурилишлар мўлжалланаяпти. 50 дан ортиқ тадбиркорлар ана шу ҳудуд орасталигига ҳисса қўшиш истагини билдиришган.

Дарҳақиқат, йўл фаровонлик белгиси. У қанчалик равон, кенг, серқатнов бўлса, сафар машаққатлари ҳам чекинади. Ушбу улкан бунёдкорлик сирдарёлик йўлсозларнинг юрт истиқлоли байрамига муносиб туҳфаси бўлади.

**Н.ШАМСИЕВ,**
**«Ишонч» мухбири**

---

*Касаба уюшма ёрдамга келди*

# ТОМОРҚА АЖРАТИЛДИ

***Ишдан келган Усмонжонни хотини Мастура ғалатироқ кайфиятда кутиб олди. Усмонжон бунга ажабланмади. Нега деганда хотини оғироёқ, ҳар хил кайфиятда юради. Арзимаган нарсага аразлайди, сал ўтмасдан баҳор осмони сингари булут тарқалади-ю, ҳеч нарса бўлмагандек очилиб-сочилиб кетади.***

Бироқ бугун негадир одатдагидан бошқачароқ эди. Йигит ҳар турли ҳазиллар билан кулдирмоқчи бўлди. Ишдан толиқиб қайтганига қарамасдан кечки овқат тайёрлашига ҳам кўмаклашди. Аммо Мастуранинг қовоғи очилмаётгандек эди. Усмонжон, барибир индамасдан, ўзини хотинининг кайфияти чатоқлигини пайқамаганга олди. Охири Мастуранинг ўзи ёрилди:

– Дадаси, бир маслаҳат айтсам хафа бўлмайсизми?

– Фойдали маслаҳат кўчадан топилган хазина билан тенг, – ўзини ҳеч нарса билмаганга солиб жилмайди Усмонжон.

– Унақа ҳазилга олсангиз айтмаганим бўлсин, – қошларини чимирди Мастура. – Одам деб гап айтай десам...

– Хўп-хўп, – Усмонжон жиддий тортди. – Нима демоқчисан?

– Тўнғичингиз эрта-индин мактабга боради. Баҳорга етиб-етмасдан оиламиз беш нафарга етади. Сиз эса ишдан бошқа нарсани ўйламайсиз.

Усмонжон анчагача оғиз очмади. Аслида хотинининг айтганларида жон бор. Мана, ёши ҳам ўттизга етибди. Бир ҳовлида, каталакдек жойда олдинги йилда уйланган укаси Баҳодирниям қўшиб ҳисоблаганда, уч оила истиқомат қиляпти. Бу ёқда кенжа укаси Ҳамидуллонинг тўйига тайёргарлик кўрилаяпти. Лекин қандай қилиб ва қайси юз билан ота-онасига мен жой олиб чиқиб кетмоқчиман, – дейди.

Ҳаётнинг қизиқ жиҳатлари кўп. Гоҳида ишинг бир юришмаса, арзимаган нарсаям тўғаноқ бўлаверади. Бир омадинг келдими, ошиғинг олчи. Эртасига тушгача бир кунлик ҳайдов режасини уддалаб қўйган Усмонжон овқатланишга шийпонга чиққанида, хўжалик касаба уюшма қўмитасининг раиси Мўминжон Умматов механизаторларга яратилган шарт-шароит билан танишгани келиб қолди. Табиийки, ишнинг бориши билан қизиқди. Усмонжоннинг режани куннинг биринчи ярмидаёқ уддалаб қўйганини эшитиб, хурсанд бўлди. Кейин йигит фурсатдан фойдаланиб, уч оила бир ҳовлида яшаётганлигини, кичик укаси тўйига тайёргарлик кўришаётганлигини айтди. Шунда касабақўм раиси ўйланиб турди-да:

– Мен бу ҳақда хўжалик бошқарувчига маълум қиламан, – деди йигитнинг елкасига қоқиб.

Касабақўм аралашуви, жамоа хўжалиги бошқарувининг қўллаб-қувватлаши орқасидан Усмонжонга вақтинча яшаб туриши учун қишлоқ марказида қурилган кўп қаватли уйдан икки хонали квартира беришди. Янги йил бошида эса уй-жой қуриш учун муҳтож бўлганлар қаторида томорқа ажратилди. Шу тариқа механизатор Усмонжон Валиев Наманган туманидаги «Ғайрат» ширкат хўжалиги ҳудудида истиқомат қилаётган ва иморат қуриш учун томорқа билан таъминланган 55 нафар оила қаторида рўйхатга олинди.

**О.ЖУМАНАЗАРОВ**

---

## ТОР-ТОРНИНГ КЕНГ МАКТАБИ

***Тор-тор қишлоғидаги 51-мактабда таъмирлаш ўқув йили билан деярли, бир вақтда якунланди. Парта ва доскалар, синфхоналар, спорт зали янги ўқув йилига шай.***

Бухоро туманидаги бошқа мактабларнинг ҳам 80 фоизи янги ўқув йилларига тахт қилиб қўйилди. Бундай хайрли ишларнинг амалга оширишида фермер ва тадбиркорлар ҳиссаси катта бўлаётир.

## ЗАМОНАВИЙ ТЕГИРМОН

***Самарқанд шаҳридаги «Олейн Ойл» корхонасига замонавий «Suhermil» ун тегирмони ўрнатилди.***

Ун ва ун маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган ушбу корхона янги ускуна ўрнатилгач ўз қувватини янада оширди. Бир кеча-кундузда 25 тоннагача олий ва биринчи навли ун тайёрлаш имкониятига эга ушбу замонавий тегирмон иш бошлагач, яна ўттизта киши ишли бўлди.

---

*Кўрик-танлов*

# ҒОЛИБЛАРГА ҚИММАТБАҲО ЭСДАЛИК СОВҒАЛАРИ

Касаба уюшма қўмитамиз томонидан ишлаб чиқилган тадбирлар режаси асосан кам таъминланган оилалар, боқувчисини йўқотганлар, ёлғиз қариялар ва ёрдамга муҳтож беморлар ҳолидан хабар олишга қаратилган. Ана шундай ёрдамга муҳтож кишилар манфаатини кўзлаб ўтган давр мобайнида маъмурият томонидан 4,2 миллион сўм маблағ, касаба уюшмалари томонидан эса 120 минг сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари ажратилди.

Хўжалик ва ташкилотларда ишлаётган кам таъминланган ишчи-хизматчилар ҳам бундай саховатдан бебаҳра қолишмаяпти. Уларга нақд пул ёки хўжаликда мавжуд бўлган маҳсулотлардан ёрдам кўрсатилмоқда. Бундан ташқари, Охунбобоев номли ширкат хўжалигида яшовчи кам таъминланган оилалар фарзандларига йил бошида мактаб ўқув қуроллари ва дарсликлар олиб бердик.

Туманда ободонлаштириш, маҳаллалар, кўча ва хиёбонлар тозалигига ҳам катта эътибор билан қаралади. Наврўз арафасида «Энг обод маҳалла, кўча, оила» танлови эълон қилинган эди. Яқинда танлов якунланиб, ғолиблар аниқланди. Ҳ.Олимжон номли маҳалла «Энг обод маҳалла», Йўлдош шаҳарчасидаги Кавзахона кўчаси «Энг обод кўча», Ҳ.Олимжон номли маҳаллада яшовчи Мўйсин Омоновлар хонадони «Энг обод хонадон» деб топилди. Ғолибларга туман ҳокимлиги, касаба уюшмалари томонидан қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди. Ўтказилган ободонлаштириш уч ойлиги мобайнида ариқ-зовурлар ва каналларнинг 10,8 километри тозаланди. 30 минг тупдан ортиқ мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экилди. Боғ ва токзорлар тартибга келтирилди. Олиб борилган ишлар самараси ўлароқ, бугун туман марказидан тортиб қишлоқ кўчаларигача ўзгача чирой очган. Шубҳасиз, бундай озодалик, ўзига хос тароват бахш этиб турган гўзаллик кишининг баҳри дилини очади.

Бир сўз билан айтганда, туманимизда «Меҳр ва мурувват йили» муносабати билан қабул қилинган дастурларни тўлиқ амалга ошириш борасида бор имкониятлардан унумли фойдаланилмоқда.

**П.ЖУМАНАЗАРОВ,**
**Китоб туман Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма қўмитаси раиси**

---

***Мустақиллик йилларида Норин туманидаги Норинкапа қишлоғида ҳам кенг бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Равон кўчалар, хиёбонлар, бир-биридан гўзал ва шинам маъмурий бинолар (суратларда) қишлоқ кўркига-кўрк қўшди.***

***Т.МАҲКАМОВ олган суратлар***







*Фармон ва ижро*

***Инсонпарварлик тамойиллари асосида амалга оширилаётган амнистия орқали жазони ижро этиш муассасалари ҳамда суд-ҳуқуқ органларида ўз қилмиши учун жавоб бериш лозим бўлганларга кўрсатилаётган ғамхўрлик ички ишлар ходимлари олдига ҳам қатор масъулиятли вазифалар юклайди. Шу боис Тошкент шаҳар ИИББ ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бошқармаси ва унинг жойлардаги тизимлари томонидан жазони ижро этиш муассасаларидан озодликка чиқиб келаётган шахсларга нисбатан профилактик ишлар амалга оширилмоқда.***

риш жараёнида ички ишлар ходимлари ҳам бевосита иштирок этмоқдалар.

Вояга етмаганларни қайта жиноятга қўл урмасликлари ҳамда содир этилиши мумкин бўлган жиноятларнинг олдини олиш борасида бирмунча ишлар қилинди.

# АМНИСТИЯ

## бағрикенглик, инсонпарварлик тимсоли

Жумладан, уларга бир марталик моддий ёрдам пулини олиш учун ижтимоий кўникма марказига, ҳужжатини навбатсиз тиклаш мақсадида паспорт бўлимларига, касаллигини аниқлаш учун соғлиқни сақлаш бўлимларига ҳамда меҳнат бўлимларига тегишли йўлланмалар берилиб, назорат олиб борилмоқда.

Бу борада, айниқса, шаҳар ва туман ҳокимиятлари қошида фаолият кўрсатаётган ишчи гуруҳлар билан ҳамкорликда амалга оширилаётган ишлар катта самара бераётир. Ишчи гуруҳ аъзолари туманларга чиқиб, бу тоифа шахсларнинг турмуш тарзи билан яқиндан танишишмоқда. Маҳалла раислари ва фаоллари, хотин-қизлар қўмиталари билан биргаликда тушунтириш ишлари олиб борилиб, уларнинг тез кунларда жамият қаторидан ўрин олиб кетишларида яқиндан кўмак бериляпти. Шунингдек, уй-жойга муҳтожларга, ёлғиз ҳамда нафақа ёшига етган қарияларга моддий ёрдам кўрсатишкорхона, ташкилот раҳбарлари билан келишилган ҳолда уларни ишга жойлаштириш ҳамда ётоқхона билан таъминлаш ҳам яхши йўлга қўйилган.

Шу даврга қадар амнистия қўлланилган жами 2170 нафар шахснинг ҳаммаси озод этилди. Улардан туман ҳокимликлари қошида ташкил этилган ижтимоий кўникма марказларига мурожаат этган 407 нафарига ёрдам пули берилди. 460 нафарига эса паспорт олишда яқиндан ёрдам кўрсатилди.

697 маротаба ташвиқот-тарғибот ишлари олиб борилди. Матбуотда, радио ва телевидениеда бир неча марта чиқишлар қилинди. Шу билан бир қаторда Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси, «Камолот» ЁИҲ ходимлари билан ҳамкорликда тарбияси оғир ўқувчилар ўртасида тарбиявий ишлар олиб бориляпти. Бу тадбирларни амалга ошириш жараёнида ички ишлар ходимлари ҳам бевосита иштирок этмоқдалар.

Ўзини ўзи бошқариш органлари, хотин-қизлар қўмиталари билан ҳамкорликда уларнинг яшаш, турмуш тарзи яқиндан ўрганилиб, ҳар бирига мураббийлар тайинланди.

Фармон ижросини аниқ қўлланилишини таъминлаш ва назорат қилиш, қонун талаблари бузилишининг олдини олиш мақсадида ИИББ да тезкор Девон ва ишчи гуруҳи ташкил этилди. Юқорида айтиб ўтилганидек, айни кунларда амнистия шарофати билан жазони ижро этиш муассасаларидан оиласи ва яқинлари бағрига қайтаётганларни жойларда навбатсиз қабул қилиш тўғри йўлга қўйилган. Бу ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

**М.ШОНАЗАРОВ,**
**Тошкент шаҳар ИИББ ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бошқармаси бўлинма бошлиғи, милиция подполковниги**

---

***«Сувжиҳозгаз» Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонаси Термиз ва Нукус шаҳарларида янги сервис марказларини очди. Эндиликда корхонанинг юртимиз минтақаларида замонавий техник асбоб-ускуналар билан жиҳозланган шу турдаги марказлари сони саккизтага етди.***

## СЕРВИС МАРКАЗ

- Уларда корхонамизда тайёрланаётган сув ва газ ўлчагичларидан фойдаланадиган жисмоний ва юридик шахсларга икки йилгача бўлган муддатда бепул ва кафолатли хизмат кўрсатилмоқда, - дейди қўшма корхона бош директори Хун Юань Чао ЎзА мухбирига. - Тез орада сув ва газни тежаш имконини бераётган ўлчаш ускуналари корпус ва бутловчи қисмларининг қарийб ярми маҳаллий хомашё ҳисобига шу ернинг ўзида тайёрлана бошлайди.

Вазирлар Маҳкамасининг «Уй-жой фондини сув ва газни ҳисобга олиш приборлари билан жиҳозлаш, уларни Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқаришни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда « 2002-2004 йилларда уй-жой фондини газни ҳисобга олиш приборлари билан жиҳозлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари корхона фаолиятини янада юксалтиришда муҳим омил бўлмоқда.

Қўшма корхона йил бошидан буён ўн беш турда икки юз эллик минг донадан зиёд ҳисоблаш приборларини ишлаб чиқарди. 210 нафар киши меҳнат қилаётган мазкур корхонанинг йиллик маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ўн миллион АҚШ долларини ташкил этади.

---

# ҲОМИЙ ТАШКИЛОТЛАР

## савоб ишларга бош-қош

Янгийўл туман ва шаҳар кичик бизнес, савдо-матлубот кооперацияси ва хусусий тадбиркорлар касаба уюшма вакиллиги бугунги кунда 2342 нафар аъзога эга бўлиб, замон талабларидан келиб чиқиб иш олиб бормоқда.

- Энг аввало, аъзоларимизни ҳуқуқий билимини ошириш борасида талайгина ишларни амалга оширдик, - дейди вакиллик раиси Саодат Абдуллаева. - Жумладан, уларга меъёрий ҳужжатларни юритишда турли йўл-йўриқ ва маслаҳатлар бериб боряпмиз. Яна бошланғич ташкилотларда меҳнат муҳофазаси, дам олишни ташкил этишда амалий кўмак берамиз. Сиҳатгоҳларга йўлланмалар ажратишда ҳам ёрдам кўрсатамиз. Шунингдек, кам таминланган оилалар фарзандларининг оромгоҳларда дам олишини ташкиллаштиришда ҳам ҳисса қўшиб келаётирмиз.

Маълумки, ҳозирги кунда ижтимоий ҳимоянинг энг муҳим шартларидан бири ходимларнинг иш ҳақини ўз вақтида олишга эришишдир. Тармоқда бу борада ҳам талайгина ишлар қилинди. Кўрилаётган саъй-ҳаракатлар туфайли қарздорликка йўл қўйилмаяпти.

Шуни айтиш жоизки, касаба уюшма вакиллиги жамоат ташкилотлари ва ҳомийлар билан ҳамкорликда кўплаб савоб ишларга бош-қош бўлмоқда. Хусусан, «Ўткир» фирмаси шаҳардаги «Мадина» ресторанида 1000 нафар кам таъминланган оилалар вакиллари уруш ва меҳнат фахрийларини таклиф этиб, байрам тадбири ўтказди. Унда кам таъминланган оилалар фарзандларидан 88 нафарининг суннат тўйи ўтказилди. Вилоят «Болалар уйи» ҳам мазкур фирма томонидан ҳомийликка олинган бўлиб, мунтазам равишда озиқ-овқат маҳсулотлари билан таминлаб келиняпти.

Ҳалқободдаги нон ишлаб чиқариш корхонаси ҳам ходимларни ижтимоий ҳимоялашда эътиборли ишлардан четда қолаётганлари йўқ. Масалан, ходимларнинг соғлигини тиклаш мақсадида шу йилнинг ўзида 520 минг сўм маблағ ажратилди. Ишчиларнинг меҳнат таътили учун 900 минг сўм маблағ сарфланиши мўлжалланган. Мазкур корхона раҳбарларининг ходимлар меҳнатини юксак даражада қадрлаши туфайли жамоа шартномаси талаблари бекаму-кўст бажарилмоқда.

**Одил ЭРГАШЕВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

---

## МАҲСУЛОТ — МАҲАЛЛИЙ ХОМ АШЁДАН

Хорижий ишбилармонлар билан ҳамкорликда фаолият юритаётган қўшма корхоналар мамлакатимиз иқтисодиётида алоҳида ўринга эга. Таъкидлаш жоизки, уларнинг сони йилдан-йилга ортиб бораётир. Жумладан, Поп туманида яна бир қўшма корхона — «Исковуттекс» ишга туширилди.

Мазкур корхона Ўзбекистон-Швейцария-Туркия ишбилармонлари ҳамкорлигида ташкил этилган бўлиб, сифатли калава-ип ишлаб чиқаришга мўлжалланган. Айни пайтда бу ерда 150 нафарга яқин йигит-қиз меҳнат қилмоқда. Аҳамиятлиси шундаки, корхонада юз фоиз маҳаллий хомашёдан фойдаланган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқарилади. Умумий қиймати 1,3 миллион АҚШ долларидан ортиқ бўлган юқори қувватли хориж ускуналари ўрнатилди. Янги техника Германиянинг «ТазельШафт Берлен» банкининг кредит линияси бўйича харид қилинган.

Маҳаллий ёшлардан таркиб топган жамоада ишловчилар учун барча қулайликлар мавжуд. Бепул тушлик ташкил этилган. Тунги сменадагилар учун 2 та автоулов беминнат хизмат қилмоқда. Энг муҳим жиҳати шундаки, йил охирига бориб, корхонада ишлаб чиқариш қуввати ортиб, яна кўплаб янги иш ўринлари яратилади.

**Э.ОДИЛОВ**

---

*Орамиздаги одамлар*

# ҒАЛЛАҚУДУҚЛИК ФЕРМЕР

Қишлоқ хўжалигини механизациялаш техникумида ўқиб юрган кезлари унинг деҳқончиликка бўлган қизиқиши янада ортди.

Орадан йиллар ўтиб, мустақиллик шарофати билан фермерлик ҳаракати бошланганида у ўз ниятини амалга оширишга киришди. Тошкентдек шаҳарда, ўз уйида тинч яшаб, яхши иш ўрнига эга бўла туриб, далага чиқиб, кетмон чопишга йўл бўлсин, қабилидаги гаплар қулоғига чалинса ҳам Ёқубжон ўз аҳдидан қайтмади. Фарзандларида ҳам ерга меҳр, деҳқончиликка қизиқиш уйғотди. Ва ниҳоят, 1998 йилда Оҳангарон туманидаги «Ғаллақудуқ» хўжалигидан 20 гектар ер олиб, «Саидаббос ота» фермер хўжалиги номи билан деҳқончиликни бошлаб юборди. Бошқа деҳқонлар қатори Ваҳобовлар оиласи ҳам ғаллачилик, полиз маҳсулотларини етиштириш сир-асрорларини шу ерда ўрганди. Айниқса, фарзандларининг дала шароитига кўникиб олишлари анча мушкул бўлди. Лекин, ният астойдил бўлса, муродга етиш осон кечар экан. Ҳозирги кунда улар ихтиёрида «МТЗ-80» трактори тиркама ва бошқа ускуналари билан, 1 та юк автомобили бор.

Фермер хўжалигининг шартнома мажбуриятларидан ортган ҳосил, даромадлар орқали турмуш шароитлари яхшиланиб боряпти. Ўтган 2003 йилда ҳам давлатга 32 тонна буғдой, кўплаб полиз, сабзавот ва бошқа маҳсулотларни топширдилар. Фақат буғдойнинг ўзидан 3 миллион сўм даромад олинди. Деҳқончиликдан келаётган фойда ҳисобидан оилавий шароитларини яхшилаш баробарида меҳр-мурувват ишларига ҳам сарф этилаётгани эътиборга сазовордир. Ёқубжон ўзлари туғилиб ўсган Ҳамза туманидаги «Тарновбоши» маҳаллада ўтказилаётган тадбирларга қовун-тарвуз, сабзавотлардан ташқари, ҳар байрамда 20 минг сўмдан маблағ билан кўмак бериб келади. Маҳалладаги 10 та кам таъминланган оилага, «Ғаллақудуқ» қишлоғидаги 15 та оилага меҳр-мурувват ёрдами кўрсатиб келмоқда. Бундан ташқари, қишлоқдаги 1-мактабни таъмирлаш ишларига ҳам ҳар йили 50 минг сўм ёрдам пули ажратади.

Меҳнатдан барака топиб, омади юришгани сайин фермер яна янги марраларни кўзлаяпти. Намангандаги кўчат етиштирувчи хўжаликдан 500 туп мевали дарахт, 2 минг туп терак олиб келишни режалаштирган.

**Темур ҲАЙДАРОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

---

## БОҒЛАР БАҒРИДА

***Наманган вилояти тоғли Косонсой туманидаги "Олмазор" болалар оромгоҳида шу ойнинг охиридан бошлаб 250 нафар қорақалпоғистонлик болалар дам олишади. Уч йилдирки, бу анъана давом этаяпти. Оролбўйи болаларининг мароқли ҳордиқ чиқаришлари учун вилоят ҳокимлиги яқинда қўшимча равишда олти миллион сўм маблағ ажратди.***

Чуст туманидаги Ғова қишлоғининг сой бўйига жойлашган "Тонг" болалар оромгоҳида бу йил 480 нафар бола дам олади. Шуниси эътиборлики, бу оромгоҳ 1971 йилдан буён мунтазам ишлаб келади. Мевали боғлар бағрига жойлашган ушбу масканга Зиёдулла Толипов раҳбарлик қилиб келади.

Ярим гектар ерда сабзавотлар етиштирилади. Карам, помидор, бодринг, айниқса, картошкадан мўл ҳосил олинибди. Боғдаги мевалар ғарқ пишган. Атроф озода, сув сепилган йўлакчаларнинг икки томони ранг-баранг гуллар билан бурканган. 160 нафар бола биринчи сменани якунлаяпти. Улар тоғ ҳавосидан чиниқиб, кўнгилли дам олишди.

— Бу йил вилоятда 8100 нафар бола 21 та оромгоҳда ҳордиқ чиқаради, — деди касаба уюшмалари вилоят кенгашининг раиси Пайзулло Паязов "Туркистон-пресс" мухбирига. — "Меҳр ва мурувват йили" дастурига асосан кам таъминланган ва кўп болали оилаларнинг бир ярим минг нафар фарзандига оромгоҳларга бепул йўлланмалар бердик. Оромгоҳларда маънавий-маърифий ишларни такомиллаштиришга катта эътибор беряпмиз. Мутасадди ташкилотлар билан оромгоҳлардаги кутубхоналарни лотин алифбосидаги қизиқарли китоблар билан тўлдирдик. Турли касб эгалари, эл ҳурматидаги кишилар билан учрашувлар ташкил этиляпти. "Намангантелеком", "Намангантекстил" ҳиссадорлик жамиятлари ҳамда Чортоқ, Уйчи, Наманган, Косонсой туманларининг қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармалари оромгоҳларга ота-оналар томонидан тўланадиган бадал пулларини бекор қилдилар.

**"Туркистон-пресс"**

---



**Аҳолига маиший хизмат кўрсатишни ташкил этишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик вакилларининг хизматлари катта бўляпти. Хусусан, «Авиасозлар» очиқ акциядорлик жамияти ҳудудида жойлашган тикувчилик цехида 4 нафар ишчи-ходим бичиш-тикиш ишларини олиб бормоқда. Энг муҳими қўлигул қизлар хизматидан барча мижозлар мамнун.**

**Суратда: моҳир тикувчи Эля Саитова**

**Ғулом ХИДИРОВ олган сурат**

---

*Жиззах томонларда*

## БИЗ ВАТАННИНГ КЕЛАЖАГИМИЗ

«Жиззах» марказий стадионида шу номли тадбир бўлиб ўтди. Битирувчи ёшларнинг байрам шоу тадбирида устоз-мураббийлар, мактаб ўқувчилари иштирок этишди. Фан олимпиадалари, спорт мусобақалари ва танловлар ғолиблари қимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирланди.

## ТАБИАТ МУЗЕЙИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ташаббуси билан табиат музейи ташкил этилди. Ҳамид Олимжон номидаги истироҳат боғида жойлашган мазкур музейда наботот ва ҳайвонот дунёсини акс эттирувчи 200 дан ошиқ экспонатлар жой олган.

## ТАБАРРУК ЖОЙЛАРГА САЁҲАТ

Жиззах шаҳар ҳокимлиги ва «Болалар» жамғармаси шаҳар бўлими ташаббуси билан 50 нафар ўзгалар қарамоғида бўлган ота-онасиз болалар Самарқанд вилоятига саёҳатга олиб борилди. Улар Гўри Амир мақбараси, Ал-Бухорий мажмуасини бориб кўрдилар.

**Б.НОРҚУЛОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

---

## САХОВАТПЕША ИНСОНЛАР КЎМАГИ

Болаларнинг шовқин-суронидан бўшаган мактабларда янги ўқув йилига тараддуд қизғин бошлаб юборилди. Амударё туманидаги 5-ўрта мактаб жамоаси эса таъмирлаш ишларини якунлади. Мактаб қошида ташкил этилган тикувчилик ва оҳак пишириш кичик цехлари, сартарошхона, тажриба участкасидан олинган даромад мактабни таъмирлашга сарф этилди.

Тумандаги 89-мактабда таъмирлаш ишлари ҳомий ташкилотлар, тадбиркорлар, саховатпеша инсонлар кўмагида жадал олиб борилмоқда.

**(ЎзА)**

---

*Ташаббус сўнмасин!*

# ҲАР ОЙНИНГ ОХИРГИ ШАНБАСИ–СПОРТ КУНИ

Туман ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича шуғулланувчи комиссия Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 сентябрдаги «Вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган Низом асосида фаолият юритиб, ўтган вақт давомида қатор ишларни амалга оширди.

Ўтган йили туман ички ишлар бўлими томонидан ҳуқуқбузарлик содир этган вояга етмаганларга нисбатан тўпланган ҳужжатлардан 12 таси комиссия йиғилишида муҳокама этилди. Улар билан доимий равишда тушунтириш ишлари олиб бориш учун профилактик ҳисобга олинди. Бир нафарига нисбатан мажбурий тарбиялаш чорасини қўлланилди. Ҳозирги кунгача ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган оилалар фарзандларига ўқув қуроллари тарқатилди.

Байрамлар арафасида маҳалла фаоллари билан ҳамкорликда Бойсун туманида жойлашган «Меҳрибонлик уйи»да тарбияланаётганлар ҳолидан хабар олиниб, уларга ҳомийлар совғалари тарқатилмоқда.

Ўқувчи ёшларнинг ҳуқуқий онгини ва маданиятини юксалтириш мақсадида «Сиз қонунни биласизми?», «Ҳуқуқ ва бурч», «Жиноят ва жазо», «Гиёҳвандлик ва унинг зарари» каби номларда кўрик-танловлар, шунингдек, спорт мусобақалари ва бошқа тадбирлар ўтказилмоқда.

Ёшлар онгида умуминсоний қадриятларни, миллий одоб-ахлоқни сингдириш, юртга муҳаббат, садоқат туйғуларини шакллантириш борасида «Дин ва қонун», «Виждон эркинлиги» мавзуида учрашувлар, савол-жавоб кечалари ташкил этилди. Ҳар ойнинг охирги шанбаси «Спорт куни» деб белгиланиб, кўчалар ва маҳаллалараро мусобақалар уюштирилмоқда. Бундан ташқари, мунтазам фаолият юритаётган спорт тўгараклари ишлаб турибди. Бу, ўз навбатида, ёшларнинг жиноят содир этмаслиги ва назоратсиз қолмаслигини таъминламоқда. Ўтган давр ичида туман хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла» жамғармаси билан ҳамкорликда маҳаллаларда вояга етмаган ёшлар билан кўплаб давра суҳбатлари ўтказилди. Туман ҳокимлиги томонидан кам таъминланган оилаларга мансуб ўқувчиларнинг 34 нафарига ҳомийлик кўрсатиб келмоқда. 23 минг 122 нафар ўқувчи тиббий кўрикдан ўтказилди.

**Икром БОЙҚОРАЕВ,**
**Ангор туман ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия масъул котиби**

---

*Масала кўндаланг қўйилади*

***Мутахассисларнинг ҳисоб-китобига кўра, Ўзбекистонда аҳоли жон бошига 4007 куб метр сув сарфланар экан. Шундай экан, оби-ҳаётни тежаб-тергаб ишлатиш, исрофгарчилик ва ифлосланишга йўл қўймаслик она табиат олдидаги ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиздир. Агар ҳар сонияда бир томчидан сув беҳуда томиб турса, йил мобайнида 10 минг куб метр сув ҳажмини ташкил этади. Хўш, шундай экан Қарши шаҳри корхона ва ташкилотлари, маҳалла ва хонадонларда ана шу оби-ҳаётдан қандай фойдаланилаяпти?***

# ИЧИМЛИК СУВИ

## баъзи ерларда исроф қилинаётганлигининг сабаблари ва сабоқлари

Шаҳар ҳокимлиги ҳамда мутасадди ташкилотлар коммунал соҳада ислоҳотларни жадаллаштириш йўлидан бориб, сув исрофгарчилигининг олдини олиш тадбирларини белгилаган. Хонадонлар ва уй-жой ширкатларида сув ўлчаш ускуналари ўрнатилмоқда. Аҳоли ўртасида оби-ҳаётдан унумли фойдаланишга қаратилган тарғибот-тушунтириш ишлари олиб борилаяпти.

Қадимий ва ҳамиша навқирон Насафнинг 2700 йиллиги олдидан ободончилик ишларининг аниқ режаси тузиб чиқилди. Осиё Тараққиёт банки кўмагида Қаршида сув таъминоти тизимини такомиллаштириш лойиҳаси татбиқ этилаяпти. Дастурга мувофиқ, шаҳардаги 11 та насос станцияси таъмирланади. Иккита сув тўплаш иншооти қурилиб, 60 километрли яроқсиз ҳолга келиб қолган қувурлар алмаштирилади. 40 километр масофага янгитдан сув тармоқлари ўтказилади. «Сувоқава» корхонасининг моддий-техника базаси мустаҳкамланиб, замонавий техника воситалари билан жиҳозланади. Барча жараёнлар автоматлаштирилиб, компьютер орқали бошқарилади. Лойиҳанинг тўлиқ амалга оширилиши эса марказлашган ҳолда аҳолини сув билан таъминлаш имкониятини яратади.

Белгиланган режалар фуқароларда катта ишонч ва умид уйғотмоқда. Шу билан бирга аҳоли зич жойлашган шаҳарда тоза ичимлик суви масаласи жиддий муаммога айланганлиги ҳеч кимга сир эмас. Қатор маҳалла ва митти туманларда сув таъминотидаги узилиш аҳолининг ҳақли эътирозини келтириб чиқармоқда. Тўғри, ёз ойларида сув чиқиши қийин бўлган «Насаф», «Гулшан» маҳаллаларида таъминотни яхшилаш учун янги насос станцияси қуриб, фойдаланишга топширилди. Бироқ, шаҳарнинг «Зоғза» маҳалласи охирида жойлашган хонадонларга ичимлик суви тўлиқ етиб бормаяпти. Маҳалла кўчаларида бўлсангиз, челак кўтариб сув излаб юрган кишиларни учратасиз. Мунтазам таъминот кафолатланмаганлиги боис, айрим фуқаролар қўлбола ҳовузлар қуриб олишган. Хасна, Усмон Юсупов номли кўчаларда яшаётганлар ҳар қатра сувни қадрлашади. Таъминотдаги узилишлар туфайли бу ҳудудда тақчиллик юзага келганлиги ташвишли ҳолдир. Шаҳарнинг Қўрғонча, Каманди, Дарвозатутак, Беглар маҳаллалари, Кўлбўйи, Абдулла Тўқай, Кўчабоғ, Хитой, Пахтаобод кўчаларида яшовчи аҳолининг ичимлик сувига бўлган талаби ҳамон қондирилган эмас.

«Пахтазор» митти туманидаги 7-а уй илгари саноат касб-ҳунар коллежи тасаррувида эди. Тегишли қарорга асосан «Манзилобод» уй-жой мулкдорлар ширкатига ўтиши белгиланди. Жиддий носозликлар туфайли ширкат уйни қабул қилиб олмади. Ҳақиқатан ҳам ертўладаги қувурлар чириб кетган, юқори қаватларга сув етиб бормайди.

Митти тумандаги 56-,57-уйлар, 2-, 3-, 4-, 5-, 6- ва 8-митти туманларнинг айрим хонадонларига ёз ойларида сув чиқиши амри маҳол. Қувурларнинг эскирганлиги, сув тарқатиш ускуналаридаги носозликлар ҳамиша панд бермоқда. Бунинг устига, корхонанинг дебитор қарзлари кун сайин кўпайиб бормоқда. Бу эса ишчиларга маошларни вақтида тарқатиш, ёқилғи-мойлаш материаллари, янги техника ва эҳтиёт қисмлар сотиб олиш, қувурларни вақтида таъмирлаш каби жиддий муаммоларни келтириб чиқармоқда.

Шаҳар аҳолиси, корхона ва ташкилотларнинг эҳтиёжи учун меъёридан анча кўп, яъни 105-110 куб метр сув тарқатилмоқда. Назоратсизлик, айрим ташкилот ва хонадон эгаларининг айби билан сувнинг қарийб 25-30 фоизи беҳуда сарфланиб, шаҳар чеккасида жойлашган хонадонларга тўлиқ етиб бормаяпти. Сув ҳавзалари турли хил чиқиндилар, канализация сувлари билан ифлосланиш ҳоллари ҳамон учраяпти.

Ёзнинг иссиқ, жазирама кунларида оби-ҳаётнинг қадри билинади. Шунинг учун, истеъмолчиларнинг манфаатларидан келиб чиқиб, «Сувоқава» корхонаси мутасаддилари аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш чораларини ўз вақтида кўрсалар, юқоридаги муаммолар ечимини топган бўларди.

**И.ИСОМУДДИНОВ**









*Касаба уюшмаларининг бугуни ва эртаси*

Дилбар ЖАҲОНГИРОВА,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси,
Олий Мажлис депутати

# ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ БАХТ

I

Мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий соҳалардаги ислоҳотлар жараёни ҳаётнинг нақадар ўзгаришларга бой эканлигидан далолат беради. Бу жараён янги демократик ташкилотларни шакллантириш, янги қонунлар, ҳаммабоп тушунчалар, мустақил давлатни бошқариш ва эркин иқтисодий тизим нормаларини ишлаб чиқишни тақозо қилади. Энг асосийси, жамиятни ислоҳ қилиш ҳамда янгиланиш жараёнини бошқарадиган ва таъминлайдиган, янгича фикрлайдиган ходимларни тарбиялаш учун муайян муддат лозим эди. Муҳими, одамларнинг тафаккури ўзгарди. Зеро, фаровон турмушга эришишнинг ўзига хос тош-тарозуси мавжуд.

Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш масалалари хусусида Президентимиз Ислом Каримов ўзининг нутқлари ва маърузаларида кўп бора фикр юритган. Чунки давлат бошлиғи фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинлигини кафолатлайди. Ўзбекистон қонунларига, жамият ривожининг ижобий жиҳатлари ва қадриятларига эътибор қаратади. «Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига» тамойилининг бажарилишини назорат қилади. Зотан, одамлар ҳаётини яхшилашда, ижтимоий таъминотни йўлга қўйишда, шахсий манфаатлар устувор бўлган жамиятни яратишда давлатнинг роли беқиёсдир. Қонун устувор бўлган давлатда инсон эркинлиги жараёнлари амал қилади, давлатнинг кенг маънодаги аралашуви меъёрга солинади. Бу борада 1948 йил 10 декабрда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан эълон қилинган «Инсон ҳуқуқлари умумий Декларацияси», Ўзбекистон Республикасининг Халқаро Меҳнат ташкилоти (ХМТ)га аъзо бўлганлиги ғоят катта аҳамият касб этди.

Мазкур Декларация ва конвенциялар замиридаги талаблар Ўзбекистон Республикаси Конституциясида (1992 йил 8 декабр), «Касаба уюшмалари, улар фаолиятининг ҳуқуқлари ва кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунида (1992 йил 2 июл), Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексида (1995 йил 21 декабр), қолаверса, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси III Қурултойи қарорларида ўз аксини топди.

Маълумки, касаба уюшмаларининг асосий вазифаси ҳар бир масалага меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилиш нуқтаи назаридан ёндашишдан иборат. Фуқароларга ҳар томонлама ғамхўрлик қилган давлатгина одамлар меҳрини қозонади. Бу ҳолатга мамлакатда осойишталик ва барқарорликни таъминлаш билан эришилади. Республикамиз касаба уюшмалари Федерацияси давлатимиз раҳбарияти юритаётган сиёсатни изчил қўллаб-қувватлаб, ислоҳотларни амалга оширишда елкадош бўлаётир.

Эндиликда Ўзбекистон мустақиллик йўлидан дадил одимлаб бормоқда. Пойтахтимиз ва Тошкент атрофида рўй берган террорчилик хуружлари одамларни яна бир бор огоҳликка, ҳушёрликка даъват этди. Нобакор кучлар мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий барқарорликни, фуқаролар ўртасида ва миллатлараро тотувликни издан чиқаришни ният қилганликлари яна бир карра исботини топди.

Бу хатти-ҳаракатлар ҳалиҳануз бизнинг мустақил йўлимизни кўролмайдиган, турли баҳоналар билан бизларга ўз таъсирини ўтказиш ва ҳукмронлик қилишга уринаётган кучлар мавжудлигини кўрсатади.

Тарихни орқага қайтариб бўлмайди, албатта. Алалоқибат зулмкор аблаҳлар бизни террористик хуружлар олдимизга қўйган мақсадлардан чалғита олмаслигини англаб, чекинишга мажбур бўлдилар. Чунки бизда руҳий покланиш, инсон ички оламини бойитадиган, ватандошларимизнинг иймон-иродасини, эътиқодини мустаҳкамлайдиган, виждонини уйғотадиган қудратли ботиний куч ғалаба қилган эди. Бу жараёнда касаба уюшмаларининг ҳам албатта, ўзига хос улуши бор.

II

Шуни айтиш керакки, жамоат ташкилотлари орасида касаба уюшмалари алоҳида ўрин тутади, чунки фақат улargина меҳнат муносабатлари тизимида ҳаракат қилади. Шу боис касаба уюшмалари ҳар қандай демократик жамият учун зарурдир. Касаба уюшмалари биринчи навбатда ўз талабларини олға суриш ва ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида бирлашган меҳнаткашлар уюшмасидир. Улар фаолияти доирасидаги муаммолар кўп қиррали бўлиб, ишчи-хизматчилар дуч келадиган бундай масалалар бир йўла ҳал этилмайди, улар билан узоқ йиллар шуғулланилади.

Шундай қилиб, касаба уюшмалари ихтиёрий ҳаракат бўлиб, куч-қудратини ўз аъзоларининг қўллаб-қувватлашидан олади. У доим ривожланадиган ташкилот сифатида ўз мақсадларини узоқ истиқболга қаратади.

Ҳар қандай жамиятда ишчи-хизматчилар адолатсизликка, тазйиқларга, ҳокимиятни суиистеъмол қилиш ҳолатларига дуч келиши мумкин, ана ўшанда улар ўз ҳуқуқларини муҳофаза этиш борасида касаба уюшмасига табиий зарурият сезади. Доимий ва демократик асосдаги жамоат ташкилотигина юқоридаги зарурий ҳолларда одамлар жонига оро киради.

Ижтимоий ва иқтисодий масалаларни ишчи-хизматчилар вакиллари билан биргаликда муҳокама қилиш, иш берувчилар ва касаба уюшмалари ўртасида қулайликлар яратиб, корхонани лозим даражада бошқариш, эҳтимол тутилган кўнгилсизликларнинг олдини олиш имкониятини беради.

Ижтимоий мулоқот иш берувчилар вакиллари ва ишчи-хизматчилар ўртасида бўлиб, у жамоатчилик воситаси сифатида кўтарилади, усиз мазкур восита бир текис ва узлуксиз фаолият кўрсата олмаган бўлар эди.

Мазкур ҳамкорликдан мақсад, асосан муносиб ривожланиш учун зарур келишувга эришишдир. Шу йўл билангина иқтисодий ўсиш самаралари биргаликда баҳам кўрилади. Ишчи-хизматчиларнинг халқаро бирдамлиги шаклланади, барча ишсиз қатламлар билан муносабатлари кўнгилдагидек бўлади.

Касаба уюшмалари ҳаракатининг аҳамияти шундаки, у тамоман тўла-тўкис демократик табиатга эгадир. Касаба уюшмалари ишчи-хизматчиларнинг жамоатчилик асосидаги ташкилоти сифатида фақат ишчи-хизматчилар манфаатларини ҳимоя қилади ва фақат уларнинг ўзларигина унинг фаолият мақсадлари ва шаклларини белгилайдилар. У зоҳиран (иш берувчилар ташкилоти, давлат, сиёсий партиялар билан муносабатларда) ва ботинан (барча аъзолар тенглигида (касаба уюшмаси ирқи, жинси ёки диний эътиқодидан қатъи назар барча ишчи-хизматчиларни бирлаштиради), турли лавозимларга сайланган аъзолар устидан назорат қилишда, қарорлар ишлаб чиқиш ва қабул қилишда кўринади.

Шунингдек, касаба уюшмалари давлатнинг қўллаб-қувватлашисиз фаолият кўрсатиши жуда мураккаб бўлиб қолади. Чунки ижтимоий шерикчиликда давлат - икки томонлама амалий нуфузга эга бўлади. Биринчидан - у катта салоҳиятга эга бўлган иш берувчилар, иккинчидан - давлат ижтимоий меҳнат соҳаларини тартибга соладиган қонунлар ва ҳукумат қарорларини қабул қилиш билан ижтимоий шерикчиликка таъсир кўрсатади.

Ижтимоий шерикчилик давлат ҳукумати, унинг органлари ва вакиллари иштирокисиз бўлишини тасаввур қилиш ҳам мумкин эмас.

Ўзбекистонда ижтимоий-ҳуқуқий давлат тури, самарали ижтимоий бозор иқтисодиётига эга тузилма мавжуд бўлиб, ижтимоий шерикчилик тамойиллари Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамлангандир. Шунингдек, ижтимоий шерикчилик тамойиллари сиёсат доирасидан ҳамда қандайдир бир сиёсий кучлар қарама-қаршилигидан ташқари туради.

Айни кезларда республикамизда замонавий иқтисодий муносабатларга монанд давлатни бошқаришнинг янги тузилмасини яратиш жараёнлари давом этмоқда. Иқтисодиётни бошқаришда давлат иштироки қисқармоқда, тадбиркорлик эркинлиги ўсмоқда, иқтисодий муносабатлар либераллашмоқда.

Мазкур ўзгаришлар касаба уюшмалари олдига ўз вазифаларини қайта кўриб чиқиш, тасарруфидаги ташкилотларнинг иш жараёни ва услубларини такомиллаштириш, ўз маблағларидан самарали фойдаланиш, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, хорижликларнинг ижобий тажрибаларидан фойдаланиб, юклатилган вазифаларни адо этиш, ахборот технологиясини жорий этиш, барча даражалардаги касаба уюшмалари органлари фаолияти самарадорлигини ошириш вазифаларини қўяди. Бунда таҳлилий, истиқболли ва натижали фаолиятга минтақавий ва марказий касаба уюшмалари органлари, энг аввало Миллий касаба уюшмаси марказида ижобий натижаларга эришишга алоҳида эътибор қаратилади.

Ижтимоий ўзгаришлар касаба уюшмаларида ҳам муайян ўзгаришлар қилишни тақозо этади. Зеро, демократия парламент институтлари билан чегараланмайди. Сиёсий демократия ижтимоий демократия томонидан қўллаб-қувватланиши лозим. Бу ташкилотларнинг ўзлари жамият талабларига мослашишларини англатади. Хусусан, ташкилотлар учун ишчи-хизматчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш етарли эмас. Меҳнаткашларнинг ўзлари ўз ҳуқуқларини англашга ва уларни кундалик ҳаётга татбиқ этишга қодир бўлишлари лозим. Ҳар бир ишчи-хизматчи корхонадаги ва умуман жамиятдаги касаба уюшмаси иши билан қизиқишига, ҳар бир киши касаба уюшма фаолиятига жалб этилишига, ҳар бир ходимнинг касаба уюшмаси фаолиятида фаол иштирок этишига қандай қилиб эришиш мумкин? Сайловда овоз берганлар талабларини бажаришнинг ўзи кифоя қилмайди, балки демократияни қарор топтириш муҳимдир. Ҳар қандай касаба уюшмаси олдида турган асосий масалалар ана шулардан иборат. Бу ҳолат самарадорликни оширишнинг умумий кафолатидир. Демократик йўл билан бошқариладиган ташкилот унинг аъзолари томонидан қўллаб-қувватлашни англатадиган ташкилотдир. Бу куч билан, албатта ҳисоблашмоқ зарур. Касаба уюшма ҳаракатини янгилаш - уни демократлаштириш, касаба уюшмасининг кундалик ҳаётида кўпроқ фаолларнинг ўз вазифаларини адо этишларидадир. Касаба уюшмаси энг аввало, қуйи касаба уюшмалари, уларнинг раҳбарлари олдида масъулдирлар. Зеро, улар касаба уюшмалари ҳаракатини аниқ, фаол ва жонли тамойилга айлантиради.

Касаба уюшма ташкилоти касаба уюшмалари ҳаракатига қўшган умумий ҳиссаси билан аниқ мазмун касб этади. Чунки бу ҳаракат айнан шундай фаолияти билангина ҳаётийдир. Касаба уюшмалари ҳаракати бир қатор механизмлар ва услубларни ривожлантирадики, улар орқали эндиликда у лозим даражада самарали фаолиятни амалга оширмоқда. Ишчи-хизматчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ариза ва шикоятларни кўриб чиқиш омилларидан усталик билан фойдаланиш йўли орқали музокара воситаларини эгаллашни талаб қилади. Эндиликда ишчи-хизматчилар эришган ҳақ-ҳуқуқлар мавжуд кучлар мутаносиблиги доирасида ҳуқуқий мақомга эга бўлиб, улар жамоа шартномаларида ўз аксини топиши лозим. Мазкур восита ва йўл-йўриқлар асосида касаба уюшмаси раҳбари фаолияти билан қизиқиш ва уни ўрганиш биринчи даражали аҳамиятга эгадир. Бунда касаба уюшмалари ҳаракати юқоридаги технологиялар мажмуаси эмас, балки унинг ўзи мазкур технологияларга эҳтиёжманддир, шундагина улар ўз вазифаларини юқори даражада тўлиқ бажарган бўладилар.

Шу боисдан касаба уюшмаларининг оддий ходимларини ушбу технологияларга ўргатиш бундан буён ҳам ҳаётий зарурат бўлиб қолади. Асосий мақсад эса касаба уюшма ташкилотининг кундалик ҳаётда кўплаб фаолларнинг иштирокига эришиш, ўз ўринларини билишларига ва шундай вазиятни яратишга имкониятлар очиб беришдир, бу эса касаба уюшма ташкилотини демократлаштириш, уни янгилаш, фаолларни олдинги сафга жалб этиш йўли билан амалга оширилади.

Касаба уюшма ҳаракати келажакни ҳам кўзлаши керак. Бу ерда гап муаммоларнинг пайдо бўлишига оддийгина эътибор қилиш ҳақида эмас, балки бошқа касаба уюшма ташкилотлари тажрибаларини, қонунчиликни ўрганиш, иқтисодий вазиятлар ривожи жараёнини кўра билиш хусусида бормоқда. Ишлаб чиқариш жараёни, бозор иқтисодиётининг меҳнат муносабатлари аҳволи кенг кўламли билимни талаб қилади. Шунингдек, ахборотларнинг доимий таҳлили бўлиши лозим, чунки ижтимоий ҳимоянинг янги шаклларини излаш айнан шу ердан келиб чиқади.

Янги иқтисодий шароитларда касаба уюшмалари ҳаракатини ривожлантиришда қуйи касаба уюшмаларининг роли ўсиб боради. Зеро, касаба уюшмалари ҳаракати фақат музокаралар ва жамоа шартномаларини тузиш билан чегараланиб қолмайди. Жамоа шартномалари (келишувлар) тузиш бўйича музокаралар эса ҳар йили ёки икки йилда бир марта ўтказилади. Шунингдек, у иш жойида пайдо бўладиган айрим муаммолар ва баҳсларни ҳал этиш билан ҳам шуғулланади. Масалан, ходимнинг ўз бошлиғи устидан шикоят қилиши, ойлик маошни қайта кўриб чиқиши, иш берувчи ўз лавозимини суиистеъмол қилиши каби масалалар билан ҳам шуғулланишга тўғри келади. Ушбу муаммолар бевосита қуйи касаба уюшмаларига дахлдордир.

Касаба уюшмаларининг асосий вазифаси аввало ходимларнинг кундалик ҳаётдаги манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган бўлиши лозим. Агар касаба уюшмаси ўз аъзолари олдида ишонч қозонишни хоҳласа, у аниқ, амалий масалалар билан шуғулланиши лозим. Бу эса ҳар бир ходимнинг энг кичик муаммочаларигача ҳам эътибор беришни тақозо қилади. Чунки булар ҳар бир ходимнинг кундалик ҳаётига таъсир қилади. Ишчи-хизматчиларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш аниқ амалга оширилиши керак бўлган ишлардан бошланади. Юқорида таъкидланганлар касаба уюшмаси органи корхонада пайдо бўлган барча муаммоларни ҳал этади, деган маънони англатмайди, албатта. Шунингдек, касаба уюшма раҳбари иш берувчининг вазифасини ўз зиммасига олиши шарт эмас, у иш берувчининг ходимлар муаммоларини қандай ҳал қилаётганлигини кузатиши зарур. Яъни, у иш берувчига муқобил бўлиши лозим, асло унинг ўрнини босиши шарт эмас. Иш берувчи бевосита ёки билвосита жамоа ишчи кучларини бошқаришдан халос бўлмаган ҳокимиятдан фойдаланади. Касаба уюшмаси етакчисининг вазифаси эса иш берувчи раҳбарнинг унга берилган ваколатдан ҳалол ва адолатли фойдаланишини таъминлашдан иборат. Бу ҳолат тенглик тамойилларига амал қилишни ва шахснинг асосий ҳуқуқларини ҳурмат қилишини тақозо этади.

Ходимларнинг асосий ҳуқуқларини ҳурмат қилиш баробарида улар ҳар қандай шароитда ҳам ўз талабларини эълон қилишни, шикоятлар қилиш, ихтилоф келиб чиққан тақдирда ўзларини ва ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолатига эга бўлади. Буларнинг бари уларнинг табиий ҳуқуқлари деб қаралиши лозим ва улар ҳеч қандай тазйиқлардан чўчимасликлари керак.

Бундай кафолатлар касаба уюшма ҳаракати томонидан берилмайди. Агар кафолатлар доираси амалдаги қонунлар, ўзга меъёрий ҳужжатлар, жамоа шартномалари (келишувлари)га асосланган тақдирда ҳам улар устидан кундалик назорат ўрнатилмаса, кутилган мақсадга эришиб бўлмайди. Айнан шундай назорат касаба уюшмаси кундалик фаолиятининг асосий шакли бўлиб, мавжудлигининг мазмун-моҳиятини белгилайди. Юқорида айтилганлардан шундай хулоса чиқариш мумкинки, ҳаётимизда рўй бераётган воқеликлар барча даражадаги касаба уюшмалари раҳбарлари, яъни бошланғич касаба уюшма қўмитаси раисидан тортиб то Марказий касаба уюшмалари раҳбарлари олдига янги-янги талаблар қўймоқда. Зотан, улар биринчи навбатда ижтимоий етакчи бўлмоқлари лозим.

III

Инсон кучли шахс бўлиши мумкин ва аксинча у етакчига айлана олмаслиги мумкин. Дарҳақиқат, ўзининг мукаммал, илғор ғояларига эга бўлган ва бу ғояларни ҳаётга изчил тадбиқ эта оладиган ҳамда атрофидагиларни ҳам бу ғояларнинг амалга оширилишига бевосита жалб қила билиш хусусиятига эга бўлган шахсгина ҳақиқий етакчи бўла олиши мумкин. Етакчилик - бошқаларда ҳам фикрлаш қобилиятини шакллантира олиш, ҳаттоки жамият учун у даражада аҳамиятли бўлмаган ғояларни ҳам олға олиб чиқа олиш деган маънони англатади. Етакчилик - турли-туман оқилона мазмунли, ностандарт ғояларни мужассамлаштириш, номигагина ўзгаришлар қилмасдан, балки жуда юқори натижаларга, мақсадларга эришиш, янги имкониятларни кашф этиш учун ташаббускор бўлиш демакдир.

Касаба уюшмалари етакчиси истиқболни кўра биладиган ва инсон қадриятларига содиқлик фазилатларини ўзида мужассамлаштирган одам бўлиши мумкин. Ундан мулоқот қилишни билиш, музокаралар олиб бориш, жамоа аъзоларида ишчанликни шакллантириш, турли тоифадаги одамларни фаолиятга жалб этиш, эшитиб, маслаҳатлашиб фикр бериш, ўзининг ваколатларини касаба уюшмаси фаолларига етказиш каби хислатлар ҳам талаб этилади. Бошқача қилиб айтганда, касаба уюшма етакчиси шахсан доим ўзини ўзи такомиллаштириши ва малакасини ошириши, ўзига ишончни ҳосил қила билиши, ўз мақсадларига эришишда журъатли бўлиши, маслакдошларни ўзига оғдиришни билиши, интилувчан ва иқтидорли бўлиши, мавҳум ҳолларда аниқ мўлжал олиши, одамларга таъсир этиш вақтини илғай билиши, ташқи дунё билан алоқада адашмаслиги лозим. Касаба уюшмалари етакчиларида музокаралар олиб боришда юксак малака бўлиши, кенг қамровли, ҳар томонлама амалий тажриба, ўткир суҳбатдошликни эгаллаган бўлмоғи лозим.

Ҳозирги шароитда касаба уюшмаси етакчиси ўз аъзоларини бошқарибгина қолмай, балки бир-бири билан ўзаро боғлиқ муаммолар мажмуасининг ҳам етакчисидир. Яъни, у касаба уюшмаси фаоллари ва ўзининг ижтимоий шерикларини нималар қизиқтиришини, уларнинг хатти-ҳаракатлари ва майлларини ҳам билиши шарт. Шунингдек, у нафақат касаба уюшмаси аъзоларини, балки иш берувчиларни ҳам қизиқтира олиши ва маънавий руҳлантириши лозим.

Касаба уюшмаси етакчиси ўз аъзолари орасида обрўга эга киши ҳисобланади. Айнан ўша жамоа мақсадлари ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, жамоа аъзоларининг олдиларида турган вазифаларни адо этишга даъват этиши мумкин. Бошқача айтганда, касаба уюшмаси етакчиси катта таъсир кучига эгадир. Энг муҳими, жамоа учун ва уларнинг хатти-ҳаракати учун масъулиятни ўз зиммасига олади. Касаба уюшмаси етакчиси инсонпарварлик ва одамохунлик санъатига эга бўлмоғи лозим.

У албатта, ўз вазифаларини адо этиш жараёнида, шунингдек, иш берувчилар вакиллари ва давлат органлари ходимлари билан турли музокаралар олиб боришда намоён бўладиган бошқарув маданиятига эга бўлиши керак.

Касаба уюшмаси органида бошқарув маданияти кўп жиҳатдан идора ходимларининг ўз ишини ташкил этишига боғлиқ, улар бу жараённи усталик билан амалга оширишлари лозим. Шунингдек, улар иш вақтларини оқилона режалаштиришлари, кундалик ишларни стратегик мақсадлар йўналиши билан боғлашлари, ҳуқуқий ахборот маданиятини қай даражада эгаллаганликлари, хатлар, аризалар билан ишлаш, мижозларни қабул қилишни, телефонда сўзлашиш маданиятини ҳаётга жорий этиш касаба уюшма фаолларининг иши самарали бўлишини таъминлайди. Турли кенгашлар ўтказиш, мажлислар ташкил этиш, иш берувчилар билан мулоқотлар уюштириш бошқарув маданиятининг муҳим кўрсаткичларидир.

Демак, касаба уюшма ходимлари хўжалик раҳбарлари ва умуман маъмурият бошқарув маданиятини эгаллашлари лозим. Фақат шундагина улар трипартизм тамойилида тенг ҳуқуқли шериклар бўлиши мумкин.

Касаба уюшмалари ходимларининг бошқарув маданиятига эга бўлишлари ижтимоий шерикчилик тизимида зарур шартлардан бири ҳисобланади. Касаба уюшмаси етакчиси фаолиятининг самарадорлигини қуйидагилар белгилайди:

фрустрацияга қатъий қаршилик кўрсатиш (фрустрация деганда инсон маълум мақсадлар йўлидаги тўсиқларга дуч келганда, гўё уларни енгиб бўлмайдиган ҳолат деб англанади);

ўзини тута билиш, одамлар билан мулоқот маҳорати, муаммоларини муҳокама қилганда жамоа аъзоларини рағбатлантириш, ўзининг ҳеч қандай фойда бермайдиган фикридан қайтара билишлик;

ўз-ўзига танқидий қараш, ғалаба ёки мағлубият пайтида муқим тура билишлик, тушкунлик кайфиятини сездирмаган ҳолда мағлубиятни тан олиш ва дарҳол янги-янги муаммоларни ҳал этишга киришиш;

қаттиқ тазйиқларга бардош бера олишлик қобилияти, бошқарувнинг ўзига хос муаммоларида билимдонлик, ўз фикрларини аниқ сўзлар билан тушунарли, маънодор, қисқа қилиб айта билиш;

ўзига нисбатан хайрихоҳликни уйғота билиш, ташкилот ичкарисида ва ташқарисида бўлаётган ўзгаришларни кўра билиш қобилияти, ўзгаришлар жараёнларини бошлашга тайёргарлик, уларни бошқариш, улардан ташкилот манфаати йўлида фойдалана билишлик;

топширилган ишга масъул бўлишлик қобилияти, ўз вақтидан самарали фойдалана билиш.

Бу маданий қарашларни амалиётда қўллаш касаба уюшма раҳбарларининг обрўсини ва иш самарадорлигини оширади. Шунингдек, уларнинг иш берувчилар ва давлат органлари вакиллари билан муносабатларида ижобийлик кўзга ташланади.

Ижтимоий шерикчилик тизимида касаба уюшмалари фаолиятининг самарали амалга оширилиши кўп жиҳатдан ҳар бир касаба уюшмаси етакчисининг жамоада эгаллаган обрўсига ҳам боғлиқдир.

Касаба уюшмаси етакчиси ўз обрўсини шакллантириши, ўзининг кучли ва заиф томонларини тўғри баҳолаши, ўзи ҳақида атрофдагиларнинг фикр-мулоҳазаларини таҳлил этишидан бошланади. Бу босқич ўзига баҳо беришни такомиллаштириш, ўз салоҳиятига ишончни кучайтириш билан боғлиқдир.

Агар касаба уюшмаси етакчиси яхши фазилатларни ҳаққоний акс эттирса, оддий ва самимий бўлса, сохта бўлмаса, обрўси устувор бўлади ҳамда у касаба уюшмаси етакчиси фойдасига ишлайди.

Қисқа қилиб айтганда, касаба уюшмаси етакчисининг жамоадаги ва умуман жамиятдаги ўрнини ана шундай тарзда тавсифлаш мумкин.

IV

Шундай қилиб, мазкур ва бошқа янгиликларни ҳаётга жорий этиш учун қаттиқ ишлашимиз лозим. Чунки янгиликлар амалга оширилаётган даврда жуда кўп яратувчилик салоҳиятига эга бўлган кучлар ишга тушади. Бунда расмиятчилик қилмасдан, истиқболни кўзлаб ишлаш, воқеликларнинг қай бири самарали ёки самарасизлиги мезонидан келиб чиқиш керак бўлади.

«Бизлар дуч келадиган ўта муҳим муаммолар биз ҳушёр турган фикрлаш даражасида ҳал бўлмайди» деганида Альберт Эйнштейн ҳақ эди. Бу гаплар нафақат муаммолар шаънига, балки ўзини ўзи ақлий тарбиялашга ҳам тааллуқлидир.

Меҳр ва мурувват йили республика касаба уюшмалари учун алоҳида эътиборли сана ҳисобланади. Чунки унинг мақсад ва вазифаси меҳнаткашларни том маънода ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ҳимоялашдан иборатдир.

Дарҳақиқат, йилнинг ярмидан бошлаб, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва ўқув юртларида ҳисобот-сайлов йиғилишлари, иқтисодиётнинг барча соҳалари ва республика минтақаларида касаба уюшма конференциялари бўлиб ўтади. 2005 йил бошидан ҳисобот-сайлов мавсуми Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг навбатдаги Қурултойи билан якунланади. Шунинг учун касаба уюшмаларининг оддий аъзолари барча даражадаги касаба уюшмалари органлари раҳбарлиги лавозимига юқорида айтилган хислатларга эга бўлган одамлар келиши учун катта фаоллик кўрсатишлари лозим. Бу ўз навбатида республикамиз касаба уюшмаларининг янада ривожланишига катта куч бағишлайди. Демак, биз янги сифатлар касб этадиган ҳаёт бўсағасида турибмиз. Президентимиз айтганларидек, республика раҳбариятининг ҳам, касаба уюшмалари Федерацияси ва унинг тармоқлари ходимларининг ҳам мақсади битта: янги ўзгаришларга ўтиш даврида аҳолини ижтимоий жиҳатдан пухта муҳофазалаш, барча соҳалардаги ислоҳотларни чуқурлаштириш орқали халқ фаровонлигини таъминлашдир. Ҳаммамиз учун халқ манфаати энг устувор масала. Шундай экан, барчамиз бир ёқадан бош чиқариб, биргалашиб ишлашимиз лозим.

Республикамизда янги сайлов қонунчилиги яратилган бир пайтда барча касаба уюшма аъзолари бу жараёнда фаол иштирок этишлари лозим. Зеро, бундан буён Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қонунчилик палатасига сайловлар ўтказилиши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг шакллантирилиши ҳамда янги қонунчилик асосида давлат ҳокимияти маҳаллий органларига сайловлар ўтказилиши эркин фуқаролик жамияти ва демократик ҳуқуқий давлат қуришда сифат жиҳатдан янги босқичдир.

